O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ...
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 19 YANVAR ◆ SHANBA ◆ №9 (26.868)

## ҲАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

**Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтининг бир гуруҳ профессор-ўқитувчилари Мисрнинг Ҳелван университети таклифига биноан яқинда Қоҳирада бўлиб қайтишди.**

**Ҳелван университети Миср Араб Республикасидаги етакчи олий ўқув юртларидан бири бўлибгина қолмай, у йирик илмий тадқиқот маркази ҳамдир.**

**Айтиш жоизки, ўзбекистонлик олимларнинг сафари фойдали мулоқотларга бой бўлди. Ҳелван университети раҳбарияти билан бўлиб ўтган учрашувда Ўзбекистон ва Миср олий ўқув юртлари ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илмий материаллар, ахборот алмашиш соҳаларида ҳамкорликни йўлга қўйиш, талаба, мутахассис ва ўқитувчиларнинг малака оширишлари борасидаги алоқаларни уюштириш билан боғлиқ масалалар муҳокамаларнинг асосий мавзуи бўлди.**

**■ «Жаҳон» АА**

# ЯНГИЛИККА ИНТИЛИБ ЯШАШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

### МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТНИ ВА ПРЕЗИДЕНТЛИК ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА ИСЛОҲ ҚИЛИШ ХАЛҚ ҲОКИМИЯТЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУСТАҲКАМЛАШ БИЛАН БИРГА ХАЛҚ ХОҲИШ-ИРОДАСИНИНГ ҲОКИМИЯТ ТУЗИЛМАЛАРИДА КЕНГ АКС ЭТИШИ ИФОДАСИДИР

# ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНЯПТИ

### МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОСИ ХУДОЙБЕРДИ АБДУЛЛАЕВ БИЛАН СУҲБАТ

**— Референдум ўтказиладиган кунга бир ҳафта вақт қолди. Референдум округлари ва участкалардаги тайёргарлик ишларининг аҳволи ҳақида икки оғиз маълумот берсангиз.**

— Биласиз, Марказий сайлов комиссияси томонидан вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Тошкент шаҳрида жами 14 референдум округи ташкил этилган бўлиб, бу округларда фуқароларга мумкин қадар кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида 7800 дан зиёд референдум участкалари ташкил этилди. Округ ва участкаларда эса ҳозир округ ва участка комиссиялари мунтазам фаолият юргизишмоқда. Ҳар бир референдум участкалари алоҳида хоналар билан тўла таъминланган. Марказий сайлов комиссияси томонидан ушбу участкаларга референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш учун зарур барча ҳужжатлар тайёрланиб етказилди. Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилган «2002 йил 27 январь куни Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказувчи участка комиссиялари ишини ташкил этиш юзасидан тавсиялар» тарқатилган бўлиб, референдум участкалари ўша тавсиялар талаби асосида жиҳозланган.

**— Референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқароларнинг сони ҳақида ҳам маълумот берсангиз.**

— «Референдум тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан референдумда иштирок этувчиларнинг рўйхати тузилади. Шу рўйхатга рўйхатни тузиш вақтида ўша жойда доимий ёки вақтинча яшаб турувчи 18 ёшдан кичик бўлмаган фуқаролар киритилади. Ва қонуннинг 27-моддасига асосан бу рўйхат участка комиссияси ва котиби томонидан имзоланиб, референдум ўтказиладиган кундан 10 кун илгари танишиш учун илиб қўйилади. Шу рўйхатга асосланиб, 27 январь куни 13 миллион 90 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси фуқароси референдумда иштирок этиши кутилмоқда.

**— Бирор сабаб билан рўйхатга кирмай қолган ёхуд исми ёки фамилиясида ноаниқлик пайдо бўлган фуқаролар кимга мурожаат қилишлари мумкин?**

— Агар бундай ҳолатлар учраса, фуқаро ўзи яшаб турган участка комиссиясига мурожаат қилиши керак. Участка комиссияси 24 соат ичида бу масалани ҳал қилиб беради.

**— Фурсатдан фойдаланиб референдум ўтказиш тартиби ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсангиз?**

— «Референдум тўғрисида»ги қонунга асосан, референдумда иштирок этувчиларга участка комиссиялари томонидан хабарномалар тарқатилади. Референдум ўтказиладиган кундан камида 10 кун илгари тарқатиладиган бу хабарномалар орқали фуқаролар ўзи овоз берадиган участка жойини ва номини билиб олиши мумкин.

Овоз бериш муддати қонун талабига кўра, эрталаб соат 6.00 дан кеч соат 20.00 гача давом этади. Фуқаролар референдум участкаларига фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат ва участка комиссияси томонидан тарқатилган хабарнома билан келиши лозим. Бу ерга келиб участка комиссиялари аъзоларига мурожаат этади. Улардан референдум бюллетенини олиб овоз бериш кабиналарига киради. Овоз бериш ёпиқ усулда бўлади. Фуқаро овоз бераётганда кабинада ўзидан бошқа бирор кишининг бўлишини қонун таъқиқлайди. Лекин шундай ҳолатлар ҳам қонунда кўзда тутилганки, бюллетенни ўзи мустақил ҳолда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган фуқаролар бўлса, у ўзининг хоҳишига кўра бирор кишини овоз бериш кабинасига ёрдамга чақириши мумкин. Лекин участка комиссиялари аъзолари, шунингдек, кузатувчилар орасидан бирор кишини ёрдамга чақириш қонун талабига асосан мумкин эмас.

Фуқаро бюллетенда қўйилган масалаларга ўз муносабатини билдиргандан сўнг, овоз бериш кабинасидан чиқиб, бюллетенни қутиларга ташлайди.

**— Референдум ўтказилаётган участкаларга келишга имкони бўлмаган фуқароларнинг овоз бериш тартиби қандай бўлади?**

— «Референдум тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасида бу ҳолат ҳам кўзда тутилган. Айрим фуқаролар соғлигининг яхши бўлмаслиги ва бошқа айрим сабабларга кўра референдум участкасига келишга имкониятлари бўлмаса, ариза билан референдум участкасига мурожаат қилиши мумкин. Аризага биноан участка комиссияси аъзолари кўчма овоз бериш қутисини ва бюллетенни олиб ўша фуқаро яшайдиган жойда унинг овоз беришини таъминлайди. Албатта, бунда ёпиқ овоз беришнинг барча талабларига амал қилинади.

**— Чет давлатлардаги элчихоналаримизда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, ўқиётган талабаларимиз бор. Марказий сайлов комиссиясининг ахборотига кўра, уларнинг овоз бериш ҳуқуқини таъминлаш учун 37 та референдум участкалари ташкил қилинибди. Чет элдаги Ўзбекистон фуқароларининг овоз бериш тартиби қандай бўлади?**

— «Референдум тўғрисида»ги қонуннинг 16-моддасига асосан референдум участкалари Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида ҳам тузилиши мумкин. Бу участкалар Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли округга бириктирилади. Масалан, бундай участкалар ҳозир Туркиянинг Анқара, Истанбул шаҳарларида, Германиянинг Берлин, Франкфурт шаҳарларида, Америка Қўшма Штатларининг Нью-йорк, Вашингтон шаҳарларида, Буюк Британиянинг Лондон шаҳрида ҳамда бошқа давлатларнинг кўпгина шаҳарларида ташкил қилинган.

Хорижий давлатлардаги ваколатхоналаримиз ва консуллик идораларимиз ҳузурида ташкил қилинган 37 та сайлов участкаларида 27 январь куни 11 мингдан ортиқроқ Ўзбекистон фуқароси овози бериши кутилмоқда.

Овоз бериш муддатининг бошланиши биздагидек соат 6.00 да бошланади. Фақат фарқли томони шуки, рўйхатга киритилган барча фуқаролар овоз бериб бўлган бўлса, участка комиссияси исталган вақтда овоз бериш тугади, деб эълон қилиши мумкин.

**■ Суҳбатдош: Акбар ЖОНУЗОҚОВ**

## ДЕМОКРАТИЯ — ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

2002 йилнинг 18 январь куни, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашида, «Парламент ислоҳоти — Ўзбекистонда демократия тараққиётининг янги босқичи» мавзуида, «давра суҳбати» бўлиб ўтди. 27 январь кунига белгиланган референдум муносабати билан ўтказилган мазкур тадбирда «Сиёсат» ва «Истиқбол» клублари, МК Экспертлар гуруҳи аъзолари, партия оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов «давра суҳбати» мавзуида сўз юритди.

Ўзбекистонда парламент ислоҳоти зарурати, бир ва икки палатали парламентлар ўртасидаги асосий фарқ, қуйи ва юқори палаталар тушунчалари, уларнинг шакллантирилиши тартиби каби масалалар мулоқотда алоҳида ўрин эгаллади. Профессионал парламентнинг асосий хусусиятлари ҳамда икки палатали парламентга ўтиш йўлида сиёсий партиялар олдида турган вазифалар ҳам мунозара қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаолияти тўғрисидаги кўпгина амалий тавсиялар, таклифлар ўртага ташланди.

«Давра суҳбати»да Ўзбекистон ХДП МК котиби, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси И.Кочмарик, Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси профессори Р. Раззоқов, ХДП Ҳамза, Юнусобод, Собир Раҳимов туман кенгашлари биринчи котиблари Ш. Файзиев, У Шоймқулов, А.Саидов ва бошқалар кўриб чиқилган мавзуга оид ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

**■ Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**



ОҚЛИК — ПОКЛИК

# ФУҚАРОЛАРИМИЗ ХОРИЖДА ҲАМ РЕФЕРЕНДУМДА ҚАТНАШАДИ

### «ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ БАРАЛЛА ЭШИТИЛИБ ТУРИБДИ...» — ДЕЙДИ ГФРНИНГ ҲАЛЛЕ ШАҲРИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ЮРТДОШИМИЗ ВИКТОР ХЕРСОНСКИЙ

**Қонун Ўзбекистоннинг ҳар қайси фуқароси учун бирдай кучга эга. 27 январда ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси референдуми ҳам барчага бирдай тегишли. Ўзбекистон Республикасининг «Референдум тўғрисида»ги Қонуни 6-моддасига биноан, ҳатто, Ер юзининг турли мамлакатларида вақтинча ёки доимий яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳам мазкур тадбирда тенг ҳуқуқ билан иштирок этади.**

**Хўш, Германия Федератив Республикасида бу борада қандай ишлар олиб борилмяпти?**

**Мамлакатимизда икки палатали парламент тизимига ўтиш ва Ўзбекистон Республикаси Президенти конституцион ваколатини ўзгартириш бўйича референдум ўтказиш ҳақидаги хабарни бу ердаги ватандошларимиз қандай кутиб олишди?**

**Давлат ислоҳотидаги муҳим босқич сифатида амалга оширилаётган бу умумхалқ овоз беришига немис жамоатчилиги вакиллари қандай муносабатда бўляпти?**

**Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказишга кўмаклашувчи ташаббускор гуруҳ Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги элчихонаси билан боғланиб, шу масала билан қизиқди. Бинобарин хориждаги барча референдум участкалари Тошкент шаҳри референдум ўтказувчи округ комиссиясига ҳисобот топширади.**

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва «Референдум тўғрисида»ги Қонунга асосан ўтказилаётган умумхалқ референдумида Германияда вақтинча ва доимий яшаётган Ўзбекистон фуқароларининг иштирокини таъминлаш учун Марказий сайлов комиссияси қарори билан Берлин ҳамда Майн бўйидаги Франкфурт шаҳарларидаги дипломатик ваколатхоналаримизда референдум ўтказиш участкалари ташкил этилди.

Германиядаги барча фуқароларимизга референдум ўтказилаётгани ҳақида хабар берилди ва уларга бу умумхалқ овоз беришида иштирок этишга чорловчи таклифномалар жўнатилди.

Шу билан бирга, референдумда кузатувчи сифатида иштирок этиш учун Германия сиёсий, ишбилармон ва илмий давралари вакиллари ҳам таклиф этилди.

Ўзбекистоннинг Германиядаги элчихонасига ҳар куни мазкур мамлакатда вақтинча ва доимий истиқомат қилаётган ватандошларимиз, шунингдек, немис сиёсий, илмий доиралари ва жамоатчилик вакилларидан юртимизда ўтказилаётган бу демократик ислоҳотларни қўллаб-қувватлаб ёзилган мактублар келиб турибди.

Ҳалле шаҳрида яшайдиган юртдошимиз Виктор Ҳерсонский: «Германияда Ўзбекистонимизнинг эркин ва бирдам овози баралла эшитилиб турибди, — деб қайд этади. — Ўзбекистонимизнинг шундай мураккаб вазиятларда қанчалар собитқадамлик билан оқилона сиёсат олиб бораётгани қалбимизда фахр туйғусини жўш урдиради. Бу сиёсатнинг муҳтарам Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳнамолигида жаҳондаги илғор тажрибаларни жорий қила бориб, юксак тараққиётга интилиш асосига қурилгани диққатга сазовор».

Асли самарқандлик яна бир ватандошимиз П.Губина ҳозир Эссен шаҳрида истиқомат қилади. У Ўзбекистон ва она шаҳри билан ич-ичидан фахрланишини изҳор этар экан, референдумда парламентимизни янада такомиллаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти конституцион ваколатини ўзгартиришга қаратилган ишларни маъқуллашини билдиради.

Бремен шаҳрида яшаётган юртдошларимиздан К.Зильберштейн ва С.Котляр элчихонамизга мактуб йўллаб, референдумда умумхалқ ҳукмига қўйилаётган икки масала ҳам жамиятни демократлаштиришга қаратилган тадбир эканини таъкидлашади.

Ҳозир Қуйи Саксония федерал ўлкасининг Хамель шаҳрида яшаётган ўзбекистонликлардан Дворцислар оиласи аъзолари, Ганновердан А.Левкович, О.Руеш, Майн бўйидаги Франкфурт шаҳридан Қаландаровлар оиласи аъзолари ва бошқа кўп ҳамюртларимиз умумхалқ муҳокамасига ташланган масалаларни ўринли деб ҳисоблашлари ва 27 январь куни референдумда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган барча оила аъзолари билан фаол иштирок этишларини билдиришган.

Ўз навбатида, Германиянинг сиёсий, илмий давралари ва жамоатчилиги вакиллари ҳам Ўзбекистон Республикаси референдуми ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб юбора бошлади.

Бавария ўлкаси Ландтаги (парламенти) вице-президенти Росвита Риесс хоним референдумимизда кузатувчи сифатида қатнашишга тайёр эканлигини билдириб: «Мен ўзимни Ватанингиз билан яқин дўстона муносабатдаги кишилардан деб ҳисоблайман, ўзбек жамиятининг демократиялашиш сари равнақидан беҳад мамнунман ва мамлакатингизнинг порлоқ келажагига ишонаман», — дейди.

«Агар Ўзбекистондаги умумхалқ референдумида кузатувчи сифатида иштирок этиш насиб этса, ниҳоятда хурсанд бўлар эдим. Чунки мен мамлакатингиздаги ривожланиш жараёнларини катта қизиқиш билан кузатиб бораман. Ўзбекистонда бўлиш ажойиб юртингиз билан янада яқиндан танишиш имконини берган бўларди», — деб ёзади Рейнланд-Пфальц федерал ўлкаси Ландтаги вице-президенти Фриедель Грютцмахер хоним.

Таниқли немис сиёсатчиси, ГФРнинг собиқ ташқи ишлар вазири Ҳанс-Дитрих Геншер Ўзбекистонимиздаги ислоҳотлар жараёнларини хайрихоҳлик билан кузатиб бораётганини қайд этади. «Референдум бу жараёндаги ниҳоятда муҳим воқеа ҳисобланади», — дейди у ўз хатида.

Германия — Марказий Осиё парламент гуруҳи раиси Х.Вегенер, Шлезвиг-Гольштейн федерал ўлкаси Ландтаги президенти Х.В.Аренс, Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкаси Ландтаги вице-президенти Э.Мюллер, Европа парламентининг собиқ президенти, ҳозирда унинг депутати К.Хенш, таниқли немис сиёсатчиси Б.Хирш, Германия ташқи ишлар вазирлигида собиқ давлат вазири Э.Шефер, Амалий сиёсий тадқиқотлар маркази директори, таниқли немис сиёсатшуноси В.Вайденфельд, шунингдек, Германия Бундестаги бир неча депутатидан олинган мактубларда ҳам Ўзбекистонда ижтимоий тузилмаларни демократлаштириш сари дадил қадамлар ташланаётгани таъкидланади ва шу йилнинг 27 январида ўтказиш мўлжалланган референдумга муваффақият тиланади.

**■ Султонмурод ОЛИМОВ, Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказишга кўмаклашувчи ташаббускор гуруҳ раҳбари ўринбосари**

## Диққат: янги рукн!

***Бунёдкор халқимиз истиқлолнинг ўн йиллик шарафли йўлини босиб ўтди. Замон ўзгарди. Янги замон кишилари шаклланди. Тафаккуримизда Ватан туйғуси мустаҳкамланди. Яратиш ишқида ёнаётган фидойи ҳамюртларимиз янги мўъжизалар бунёд эта бошладилар. Уларнинг қаҳрамонликлари, ижодкорликлари, изланишлари, жаҳонга юз тутганлари ҳар жабҳада эътироф этилмоқда. Газетамизда бугундан бошлаб шулар ҳақида «Замон ва замондош» рукни остида очерклар, лавҳалар, мақолалар мунтазам бериб борилади. Янги рукн остидаги илк очеркимизни эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.***

ЗАМОН ВА ЗАМОНДОШ

# ЎН ҲАЙРАТ

(ОЧЕРК)



### 1. КОСОНСОЙ ТУНИ

*Мовий осмон узра ой балқийди. Атрофдаги юлдузлар ёруғ кўнглингизга тирик туйғулар, нурлар олиб келаётгандай туюлаверади. Осмон оппоқ, бутун кун давомида осмон элагидан тўкилган кумуш қор замин узра сочилиб ётибди. Юракка кўчиб ўтади бу ойдинлик. Тилак туғила бошлайди. Сўз айтишга интилади кўнгил.*

*Ватан, осойишта тунлар, оппоқ тонглардан мужда келтиради. Ёруғ ҳайқириққа тўлади бу олам. Ватан, фарзандларинг сени янада юксалтириш, яратиш, бунёдкорлик ишқида ёна бошлайди. Ҳаяжон юракни қоплаб олади.*

*Ой балқиб турибди. Тўлин ой бу — озод Ўзбекистон. Юлдузлар — Ватаннинг қирралари. Унинг ажралмас кентлари. Ойнинг ёруғлиги, юлдузлар чақнаши ила уйғунлашиб кетган. Ватаннинг мана шундай юлдуз, гўзал масканларидан бири — Наманган вилоятидаги Косонсой туманидир.*

*Шаҳар ёритгичлар ила безатилган. Кенг, равон йўллар. Ўзи элтадиган манзиллар ҳақида сўйлайди. Туман маркази ўз жозибаси билан кишини ўзига тортади. Бу ерда «Ёшлар маркази» қад ростлаб турибди. Янги замон болалари йиғилиб, баҳс-мунозара, мушоира, мусиқа кечалари ўтказадилар, ўқиш-изланишлар олиб борадилар. Шаҳар туни жуда гўзал, уни таъриф этишга қалам ожиз. Атрофга тикилиб истиқлол қудратига, мустақиллигимиз ижодкори Президентимиз бунёдкорликларига иқрор бўласан. Хорижликлар билан ҳамкорликда тикланган қўшма корхоналар, Юртбошимиз ташаббуслари билан фарзандларимизни ўз бағрига олган янги замон илм масканлари — коллежлар, аҳолининг дардига дармон бўлаётган шошилинч тиббий ёрдам маркази, истиқлол туфайли ерга эга бўлган ўзбек деҳқони мулкдор, бойга айланган замондошларимиз. Тадбиркорга қувват, сирдош банк идоралари, савдо марказлари, гарчи қишнинг чилласи бўлса-да, яшил кўйлакдаги арчалар, мунис дарахтлар барча-барчаси ҳар қандай кишида ҳайрат уйғотади. Тарих учун қисқа давр бўлган ўн йил биз учун эзгуликлар даври бўлганлиги муборак бўлсин дегим келади.*

### 2. МОЗИЙГА ЭҲТИРОМ

*Президентимиз ўзларининг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асарларида шундай деган эдилар: «Юртимизда тарихий шахслар, шаҳарлар, маданий ёдгорликларнинг юбилей ва байрамларини ўтказиш яхши анъанага айланиб қолди. Бу ерда гап тантанадагина эмас, муҳими биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз». Ушбу пурмаъно сўзларга ҳамоҳанг, яқинда Косонсойда халқаро аҳамиятга эга бўлган анжуман ўтказилди. «Фарғона водийси тарихида Косонсойнинг ўрни» мавзусидаги республика илмий-амалий анжумани «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, вилоят ва туман хокимликлари ташаббуси билан ташкил қилинди. Бундан кўриниб турибдики, косонсойликлар ўз ўтмишларига бефарқ эмас. Улар нафақат ижтимоий ёки иқтисодий, балки маънавиятни ҳам юксалтириш омиллари устида бош қотиришмоқда.*

*Косонсой тарихи ҳақида ўйлаганимда Республика ФА Археология институти директори, профессор Т. Шириновнинг ушбу фикрлари ёдимга тушади: «Қадимий Косон харобалари остида 2000-2100 йилдан зиёд тарихга эга маданий қатламлар мавжуд». Биргина Косоний тахаллуси билан ўнлаб олимлар, ижодкорлар, шоирлар яшаб ўтган. Шулардан бири XV-XVI асрларда нафақат Ўрта Осиёда, балки Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Эрон юртларида машҳур бўлган нақшбандия тариқатини ривожлантирган, такомиллаштирган етакчи назариётчи, мутафаккир, ахлоқшунос, файласуф Маҳдуми Аъзам Косонийдир. Улуғ олим 1461-62 йилда таваллуд топган бўлиб, 2002 йилда у киши туғилганига 540 йил тўлади. Косонсойликлар буюк боболарига ҳурмат, эҳтиром рамзи сифатида муҳташам мақбара қуришмоқда. Туман аҳолиси ушбу жойда беш аср олдин яшаб ўтган улуғ боболарини қадами теккан табаррук заминни ардоқлаб, уни кўзга суртиб қадрламоқдалар. Юртбошимиз онгимизга сингдирган мозийга эҳтиром ўзининг янги-янги кўринишлари билан фарзандларимизни шу руҳда улғайтирмоқда. Бунёдкорлик жадал суръатлар билан давом этмоқда.*

(Давоми 2-бетда)

# ЎН ҲАЙРАТ

## 3. ҚЎШ ҚАНОТЛАР ЁХУД 12 РАҚАМИНИНГ СИРИ

Бугун туманда қўшма корхоналар сони 12 тага етди. «Косонсой Текмен», «Касмир-Дери», «Коттон», «Атласмен», «Косонсой консерва», «Косонсой текстил», «Уй меҳнати», «Рав Сан Со», «Курааппература», «Прожетек», «Хали-Тек», «Кас-Яр» каби қўшма корхоналар томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича ўтган 2001 йилда 105,4 фоиз ўсишга эришилган. Туман аҳолисининг катта қисми саноатга жалб қилинди. Туманда ишсизликка барҳам берилди. Шаҳар кўчаларининг салобатига қараб, чет элда юрганга ўхшайди киши. Лекин ҳар бир бино пештоқида мустақил Ўзбекистонимиз байроғи ҳамкорларимиз байроғи билан ҳилпираб тургани қадамимизни олға бостиради. Озодлик неъматлари билан юзма-юз келасиз. Ҳаяжон қамраб олади. Фахр туйғуси эгаллайди. Кўксингда ғурур уйғонади. Тарих учун қисқа даврнинг бизга берган улкан ўзгаришлари таърифига бисотимдан янги, оҳори тўкилмаган сўзларни излай бошлайман.

Қўшма корхоналар томонидан экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми 1 миллион 768 минг АҚШ долларига тенг. Косонсой номи битилган маҳсулотлар дунёнинг турли бурчакларига етиб бормоқда.

Биз туман ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутати Убайдулла Маматовдан 12 рақамининг сири ҳақида сўраганимизда у киши камтаринлик билан:

— Мустақиллигимизга 10 йил тўлиб, 11-йил бошланди. Озодликнинг ҳар бир кунига шукрона келтириб, бир қадам илгари босиб 12 та қўшма корхона ташкил этдик. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Хорижликлар билан ўзаро тенг фойдали муносабатлар олиб бормоқдамиз. Олий Мажлис сессияси минбаридан Президентимиз қайси туманда қўшма корхона бўлмаса, у ерда ўтирган ҳоким ҳеч иш қилмаган ҳисобланади, деган эдилар. Саноатнинг ўсиши бўйича туманимиз республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Менинг назаримда қўшма корхоналар иқтисодиётимизнинг қўш қанотидир.

Қанотлар жуфт бўлгандагина юксакларга парвоз қилинади.

## 4. ОЗОДЛИК ҚАДРИ

Наманганда хушхабар тарқалди. Косонсойнинг Чиндовул қишлоғилик тадбиркор Қодирхон Муталов завод қурибди. «Нам-Кон» хусусий фирмаси ёрлиғи билан чиқарилган мева шарбатлари мамлакатимиздаги шаҳарлар савдо дўконларида пайдо бўлди.

Уйга толасан. Мамлакатимиз тупроғида олтин гуллайди. Энг сара, мазаси тилни ёрадиган мевалар ўзимизда етиштирилса-ю, аллақандай табиий бўлмаган ичимликлар дўконларимиз пештахтасини тўлдириб турса?! Қодирхон Муталов республика Миллий банкидан 364121 АҚШ доллари, «Бизнес фонд»дан 12.000.000 сўм миқдорида кредит олди. Исроил технологияси асосида қурилган «Нам-Кон» бугун республикамизда табиий шарбат тайёрлайдиган корхоналарнинг тўнғичи ҳисобланади. Бу ерда ярим литрли идишларда олма, нок, олма-сабзи шарбатлари тайёрланмоқда. Завод қурилиши муносабати билан 50 та ишчи ўринлар пайдо бўлди. Ўртача ойлик иш ҳақи 25000 сўмни ташкил этмоқда. Завод икки сменада ишлаб, кунига 24 тонна хомашёни қайта ишлаш ва 10 тонна миқдорида табиий шарбат тайёрлаш қувватига эга.

— Озодлик қадрига ҳар биримиз етишимиз керак. Бундан ўн йил олдин ота мерос ҳунармандчилик билан шуғулланган одам жазоланарди. Завод қуриш эса хомхаёлдан бошқа нарса эмасди. Президентимиз тадбиркорларга кенг йўл очиб бердилар. Марҳамат бой бўл, мулкка эгалик қил. Ҳалол, покиза, қонун талаблари асосида иш олиб боравер. Бугун тадбиркор кетаётган йўлдаги йўлчироқларнинг фақат яшил чироғи ёниб турибди. Миллий банк томонидан олган кредитим имтиёзлидир. Яъни мен иш бошлаганимдан 18 ойдан кейин маълум фоиздан кредитни қайтара бошлайман.

— Ҳозир биз заводни такомиллаштириш йўлида изланаяпмиз.

(Давоми. Боши 1-бетда)



Мевалар мавсумий пишиб етилади. Шунинг учун сабзавотдан, аниқроғи, сабзидан шарбат олишни йўлга қўйдик. Шарбат сиқиб олингандан сўнг қоладиган қолдиқдан маҳсулот тайёрлаш устида иш олиб бормоқдамиз, — дейди Қодирхон Муталов.

Қодирхон Муталов қишлоқ жойларида тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун замон талабларига мос равишда ҳаракат қилаётган замондошларимиздан биридир. Мен мана шундай кичик завод ва фабрикалар мамлакатимизнинг барча туманларига кириб келишини истайман. Бунинг учун эса жойларда ҳокимларимиз тадбиркорга ғамхўр, керак бўлса, камарбаста бўлишлари зарур.



Инсон ҳамма нарсани яратишга қодир. Қўлларимиз билан бунёд бўлган заводлар, фабрикалар, қўшма корхоналар истиқлол иморатига қўйилган бир ғиштдир.

## 5. ҲАМНАФАСЛИК

Бугунги замон кишиси қандай бўлиши, жаҳон тараққиётига қўшилишимиз учун нималар қилишимиз керак? Назаримда, жамият ва йўлбошчи билан ҳамнафас бўлиш зарур. Ўтган 2001 йилнинг айни ёзида Косонсойда бўлдим. Мутасаддилар мени янги бир қурилиш кетаётган майдонга олиб боришди. 140 ўринли фахрийлар сиҳатгоҳи қад ростлаётган экан. Жуда чиройли, шинам, қариялар юрак ва қон-томир касалликлари бўйича даволанишлари мумкин. Дам олувчиларга 186 та олий ва ўрта махсус билимга эга бўлган тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатади. Жуда катта маблағлар сарф қилинган бу иншоот ҳар қандай кишини ўзига тортади.

Орадан ойлар ўтди. Мен Косонсойдаги сиҳатгоҳ ҳақида ёзишга шошилмадим. Конституция байрами арафасида Президентимиз «Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор», дейди ҳақиқатдан ҳам, қаерда кексалар бўлса, уларга эътибор бўлса, шу жойда файз бор, барака бор» дея 2002 йилимизни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилдилар. Шу пайтдаги менинг қувончларим чексиз эди. Косонсойда кўрганим «Фахрийлар сиҳатгоҳи» Президентимизнинг бу ташаббусларига амалий жавоб бўлди.

Бир сўз билан айтганда, ҳамоҳанг, ҳамнафас, ҳамроҳ, ҳамжиҳат бўлиш бугун биздан талаб этилаётган асосий вазифалардир.

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, унинг вилоят бўлими бевосита кўмаги ва эътибори туфайли ушбу сиҳатгоҳ барпо этилди. Президентимиз ташаббусларидан сўнг эса ишларимизни янада ривожлантирдик. Юртбошимиз ғайратимизга ғайрат қўшдилар. Юзимиз бутун мамлакат олдида ёруғ бўлди. Сиҳатгоҳ тўлиқ жиҳозланиб, ҳозирги кунда тиббий муолажалар қабул қилиш қисмида сўнгги ишлар бажарилмоқда. Қарияларимизни қадрлаш йилида янада кўпроқ ишларни амалга ошириб, уларнинг дуосини олишга интилмоқдамиз, — дейди Убайдулла Маматов.

Косонсойдаги файз, қут-барака замирида ўтмиш аждодларимизнинг шод руҳи, бугунги ҳаётимизнинг мунаввар чироғи — қарияларимизнинг олтиндан аъло дуолари бор.

## 6. ОҚ ЧАШМА

Косонсойдаги «Чашмаи сафед» хусусий кичик корхонаси томонидан тайёрланган маҳсулотлар ўзининг харидоргирлиги, сифати, арзонлиги билан ажралиб туради. Туманда чорвачиликка бўлган эътибор туфайли бунёд бўлган ушбу корхона йилдан-йилга иқтисоди бақувват хўжаликка айланиб бормоқда. Бир пайтлар тузилиб тетапоя қадам ташлаган «оқ чашма» бугун эътибор, қўллаб-қувватлаш натижасида оёққа туриб олди. Корхонада 12 турдаги сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ерда бир кунда беш тонна сут қайта ишланади. 1997 йилдан бошлаб Туркия технологияси асосида Косонсой пишлоғи ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу маҳсулотни қадоқлаш учун Германияда ишлаб чиқарилган ускуна олиб келинган. «Чашмаи сафед»нинг Тошкент, Наманган шаҳарларида ўз савдо дўконлари фаолият кўрсатмоқда. 2001 йилда жамоа фермер ва хусусий хўжаликлардан 487,9 тонна сут қабул қилиб, қайта ишлаб 45 миллион 563 минг сўмлик маҳсулот тайёрлади. Корхона ихтиёрида 79 гектар экин майдони бўлиб, асосан озуқа етиштирилади.

Косонсой туман ҳокимининг қарорига асосан «А. Навоий» хусусий ҳиссадорлик жамияти билан «Чашмаи сафед» бирлаштирилиб йирик қишлоқ хўжалик корхонасига айлантирилди. Бугун хўжаликда қорамоллар сони 404 бошга етказилди. 2001 йилда 40,9 тонна гўшт, 308 тонна сут ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, 28 тонна пахта, 70 тонна ғалла етиштирилиб давлатга сотилди. Ҳозирги кунга келиб ишчилар сони 100 кишига етди. Ойлик иш ҳақи 18-25 минг сўмни ташкил этади.

Оддий рақамлар, маълумотлар, лекин улар ортида инсоннинг бебаҳо меҳнати бор. Бугун бу ерда тайёрланаётган маҳсулотлар халқимиз дастурхонини тўлдирмоқда. Хўжаликда меҳнат қилаётган юзга яқин одам ўз оиласини боқади. Эртанинг умиди билан яшайди. Қишлоқ жойларида ташкил қилинган бундай иш ўринлари турмушимиз фаровонлигининг энг кичик ва асосий бўғини бўлиб қолади. Одамларни ишга банд қилиб уларнинг турмуш даражасини яхшилаётган ватандошларимиз сони янада кўпаяверсин.



## 7. МАМЛАКАТ УМИДИ

Косонсойда ўнга яқин касб-ҳунар коллежлари ишга туширилди. Шулардан иккитаси янги қурилган бўлса, қолганлари қайта таъмирланган биноларда фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда «Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури», «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинганлигига ҳам ҳадемай беш йил тўлади.

Биз мустабид тузумдан мерос қолган таълимнинг моҳиятсиз томонларидан тобора узоқлашмоқдамиз. Бугун лицей ва коллежларда мамлакат умиди, миллат таянчи улғаймоқда. Президентимиз «Келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий жиҳатдан етук фарзандлари билан ҳам жаҳонни қойил қилиши лозим», деган эдилар. Бугун бу йўлда ташланаётган қадамлар, ўтказилаётган умид ниҳоллари эртага ўз мевасини беради. Забардаст дарахтларга айланади. Доно ва билағон фарзандлари кўп юрт толеи бутун юртдир. Бундай юртда орзулар камол топади, умидлар гуллайди. Шаҳарлар обод бўлиб, аҳолининг турмуш даражаси юксалади. Жаҳон унга, у жаҳонга интилади. Юрт болаларининг довруғи қўшни мамлакатлардан ўтиб узоқ-узоқларга етиб боради.



Косонсойдаги саноат транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежи 2001 йилда қуриб битказилди. Фан хоналари ва устахоналар учун Жанубий Корея Республикасидан келтирилган 102 миллион сўмлик ўқув-техника воситалари ўрнатилди. Коллеж 600 ўринли бўлиб, бугун бу ерда 6 йўналишда мутахассислар тайёрланмоқда.



<u>Муҳаммад Юсуф Исоқов, коллеж директори:</u> — Мен бир муаллим сифатида бугун мамлакатимизда ёш авлодга берилаётган эътибордан мамнунман. Ўқув хоналаримиз тўлиқ компьютерлар билан таъминланган. Айниқса, Жанубий Корея Республикасидан келтирилган автотренажёрлар кишини ҳайратлантиради. Менинг назаримда, фарзандларимиздан талаб этиладиганини фақат аъло ўқиш ва Ватанга садоқатдир.

<u>Райҳона Маърупова, бухгалтерия ҳисоби гуруҳи талабаси:</u> — Мен бахтлиман. Юртимизда осойишталик. Президентимиз биз фарзандларига ғамхўр. Мен таълим олаётган коллежда барча шарт-шароитлар муҳайё, 100 ўқувчи ўринга эга қироатхонада адабиётлар етарли.

<u>Муроджон Тожибоев, электрон ҳисоблаш машиналари, компьютер тармоқларини ўрнатиш ва ишлатиш гуруҳи талабаси:</u> — Компьютер ёрдамида бажарилмайдиган ишнинг ўзи йўқ. Унинг барча сирларини ўқитувчимиз Баҳодир Абдураҳимов бизга ўргатмоқда. Коллежимизда жаҳон стандартларига жавоб берадиган спорт зали бор. Мен спортни севаман, келгусидаги орзуим вилоят, республика мусобақаларида иштирок этиш.

Ҳаяжон билан хайрлашаман ёш дўстларим билан. Эртанинг ёруғ тонги кўзларида акс этган минглаб Райҳона, Муроджонлар Ватан шон-шуҳрати учун фидойи бўлиб етишишига ишонаман.

## 8. ЕР НАФАСИ

Косонсой туманида 14 хўжалик мавжуд. Шундан биттаси ҳиссадорлик жамияти, 13 таси эса ширкат хўжалиги. Туманда 214 та деҳқон ва фермер хўжаликлари бор.

Косонсойликлар мана уч йилдирки, давлатга пахта, ғалла, пилла, сабзавот сотиш режасини ошиғи билан бажариб келмоқдалар. 2001 йилда давлат қабул пунктларига 18719 тонна оқ олтин етказиб берилди. Режа 100,4 фоизга уддаланди.

Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар натижасида ер унумдорлиги яхшиланди. Ҳосилдан бўшаган ерлар тўлиқ шудгор қилинди.

Барча хўжаликларда 3076 тонна гўшт, 19,220 тонна сут, 2 миллион 191 минг дона тухум ишлаб чиқарилиб, бурноғи йилларга нисбатан 2001 қишлоқ хўжалик йилида ўсишга эришилди.

Ерга бўлган муносабат ўзгарди. Деҳқонда эгалик ҳисси пайдо бўлди. Юқоридан топшириқ беришлар, эски тузум иллатлари барҳам топди. Ҳамма ўз ишини билиб қиладиган замонлар келди. Фермер хўжаликларининг дала шийпонини кўриб ҳавасингиз келади. Ҳам меҳнат қилишни, ҳам дам олишни, ҳам яшашни биладиган замондошларимиз борлигига қувонасан.

<u>Маматхон Муртазаев, «Турсунхонобод» фермер хўжалиги раиси:</u>

— Хўжалигимиз тасарруфида 45 гектар ер бор. Шундан 32 гектарига ғалла экаман. 2001 йилда ҳар гектар ердан 60 центнердан ҳосил олиб, жами 192 тонна ғалла етиштирдим. 112 тоннасини давлатга сотиб, режани 114 фоизга уддаладим. 6 гектар ерда сабзавот етиштириб, қабул пунктларига 145 тонна маҳсулот топширдим. 40 бош қорамолим бор. 1200 килограмм гўшт, 16 тонна сут топширдим. 7 гектар ерга қорамоллар учун озуқа етиштираман. Бир сўз билан айтганда, оила аъзоларимиз, фермер хўжалигимизда меҳнат қилаётган жамоамиз ўтаётган кунимиздан мамнунмиз.

## 9. ЮКСАЛИШНИНГ ЯНГИ МОДЕЛИ ЁКИ РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА

Туманда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, макроиқтисодий кўрсаткичларни барқарорлаштириш борасида ўтган 2001 йилда муайян ишлар амалга оширилди.

Жорий йилда туман бўйича жами 3 миллиард 105 миллион сўм касса режаси белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 3 миллиард 463 миллион сўм нақд пул туширилди. Режа 111,5 фоизга бажарилиб, қўшимча 357 миллион сўм нақд пул туширишга эришилди.

Туман ҳокимлиги томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, кичик ва ўрта бизнес корхоналарини ривожлантириш ҳисобига аҳолини иш билан янада тўлароқ таъминлаш чора-тадбирлари кўриб келинмоқда. Бугунги кунда туманда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш бўйича кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг салмоғи алоҳида аҳамиятга эга. Бу кўрсаткич туманда 35 фоизни ташкил қилмоқда. Саноатда 7, қишлоқ хўжалигида 43, алоқа ва транспортда 46, қурилишда 63, савдо ва маиший хизматда 82 фоизни ташкил қилади. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 400 миллион сўм кредит берилди.

Ўтган йил давомида солиштирма нархда 6 миллиард 628 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, фоизга ўсишга эришилди.



Амалдаги нархларда 5 миллиард 459 миллион 300 минг сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, ўтган йилга нисбатан 209 миллион сўмлик маҳсулот кўп тайёрланди. 33 фоизга ўсишга эришилди.

Туман бўйича 2001 йил давомида 5 миллион 478 минг АҚШ доллари миқдорида экспорт амалиёти, 1 миллион 85 минг АҚШ доллари миқдорида импорт амалиётига эришилди.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, Косонсойда иқтисодий ислоҳотлар жадал амалга оширилмоқда.

## 10. ЗАФАРЛАРГА ЭЛТГАН ҚАДАМЛАР

Биз Косонсойда бўлганимизда туман ҳокими Убайдулла Маматов камтарлик билан: «Барчасини ўз кўзингиз билан кўринг. Ҳали қиладиган ишларимиз кўп», — деган эдилар.

Биз туманда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, қўшма корхоналар, хусусий фирмалар, фермер хўжаликлари фаолияти билан танишдик. Уларнинг ҳар бирига атрофлича тўхталиш имконияти йўқ.

Тумандаги «Пойабзал» фабрикаси, «Пахта толаси» корхонаси, «Консерва» заводи олиб бораётган ишлар ҳам эътиборга сазовор.

Косонсой тумани бўйича саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йили 6 миллиард 628 миллион 914 минг сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 107 фоиз ўсган.

— Бош масала одамларга эътибор бўлиши керак. Уларнинг кўнглига йўл топа олиш, адолат тамойилларига амал қилишнинг муҳим аҳамияти бор. Кадрларни ўз ўрнига қўйиш, изланувчан, фидойи ёшларга қанот бўлиш зарур. Президентимиз ҳар бир соҳада биз амалга оширишимиз керак бўлган ишларни белгилаб берганлар. Уларга оғишмай амал қилинса, муаммолар ечими осон топилади. Қобилиятли ёшларимизга ишониш, уларнинг ижодкорлик, яратувчанлик каби фазилатларини янада юксалтиришга эришиш зарур. Кузатган бўлсангиз, шаҳримиз озода, саранжом-саришта. Ҳар бир хонадон, корхона, ҳар бир инсоннинг меҳнати бор бу ерда. Улар ўз ишларидан фахрланиш, уни ардоқлаш, янада юксалтириш йўлида изланишади. Ҳамжиҳатлик бор жойда эса янги-янги эзгу ишлар туғилаверади.

Рақамларга мурожаат қилмайман. Уларни керагича ўрганиб олаверасиз. Бу ерда нима яратилган бўлса, бу — халқимиз хоҳиш-иродаси, меҳнати мевасидир. Оддий қилиб айтганда, одамларимиз яхши яшаш учун яхши меҳнат қилиш кераклигини тушуниб етганлар, — дейди Убайдулла Маматов.

1998 йилда Косонсой тумани ҳокими этиб тайинланган Убайдулла Маматов олиб бораётган ишларга бир назар ташладик. Агар инсон чин маънодаги фидойи бўлса, у баҳона ахтармайди. Изланади. Яратади. Ўшандагина халқ ишончидек юксак унвонга эга бўлиш мумкин.

Бир пайтлар Самарқанд вилояти Ургут туманидаги қурилиш ишлари ва шаҳарсозлик барчага ўрнак қилиб кўрсатилган эди. Жойлардан туман ҳокимлари ташриф буюриб иш ўрганишган. Энди ушбу тамойилга содиқ қолган ҳолда, қўшни вилоятлардаги туман раҳбарлари Косонсойга келиб, иқтисодий ўсишнинг Косонсой моделини ўргансалар, маърифатга, маънавиятга эътиборни кўрсалар мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Мен бир қаламкаш сифатида водий кўксидаги тумор — Косонсойга, косонсойликларга ҳавасим келди. Улар эришган зафарларга элтган қадамларни эса баҳоли қудрат ёритишга уриндим.

Камтарлик қон-қонига сингиб кетган косонсойликларни бугунги замон кишилари деб атагим келди.

Мен у ердан умид билан қайтдим. Мамлакатимизнинг барча туманларида шундай эзгу ишлар бўлишига ишонч билан қайтдим.

Бир сўз билан айтганда бунёдкорлик — бедорликдир.

✧✧✧

Косонсой туни. Мозийга эҳтиром. Қўш қанотлар ёхуд 12 рақамининг сири. Озодлик қадри. Ҳамнафаслик. Оқ чашма. Мамлакат умиди. Ер нафаси. Юксалишнинг янги модели ёки рақамлар тилга кирганда. Зафарларга элтган қадамлар...

Булар менинг ўнта ҳайратим. Менга олам-олам туйғулар бахш этган қувончларим. Журъатнинг ранглари. Уларнинг ҳар бири ҳақида бир очерк ёзиш мумкин. Энди бу бунёдкор одамлар менинг юрагимда ҳам яшай бошлайдилар. Замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари шулар эмасми?! Замоннинг минг битта синовларидан ўтаётган азаматлар, миришкорларнинг ишлари барчамизга ибрат бўлишга арзийди. Истиқлолнинг ўн йили берган ўнта ҳайрат мезонини бузган ҳолда биз томонга тобора яқинлашаётган Мустақиллигимизнинг ўн бир йиллигига ишора сифатида менинг ўн ҳайратим асаримнинг ўн биринчи парчаси бўлиб туғилди.

■ **Фаррух ҲАМРОЕВ**

✧✧✧

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# BU DUNYONING ISHLARI

## АРИЗАЛАР ТАРЖИМАГА МУҲТОЖ

Слободан Милошевич устидан бораётган суд жараёни суд томонидан қўйилган янги талаблар боис, яна номаълум муддатга тўхтатилди. Қўйиладиган талабга кўра, барча гувоҳларнинг суддаги аризалари серб тилига таржима қилиниши зарур ва суд жараёни бошланадиган муддат — 12 февралга қадар Милошевичга тақдим этилиши керак.

Трибунал прокурорлари ушбу талабни ҳисобга олишни исташмаган ва суддан бу талабни инкор қилиш зарурлигини сўрашмоқда.

## ТЕРАКТ РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ЭДИ

Владивостокда «Аум Синрике» гуруҳининг жангарилари устидан ўтаётган суд иши 23 январдан давом этади. Ушбу ишда айбланувчи сифатида 5 нафар Россия фуқароси иштирок этаяпти. Улардан бири ҳозирча руҳий носоғлом шахс сифатида топилган. Улар қурол-яроғни ноқонуний сақлашда, шунингдек, Японияда бир нечта терактларни ўтказишни режалаштирганда айбланмоқда. Жангарилар теракт уюштириш орқали Японияда қамоқда сақланаётган «Аум Синрике» гуруҳининг раҳбари Секо Асахаруни озод этиш талабини қўйишни режалаштиришган эди.

## ЭКИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ТАЪҚИҚЛАНДИ

Дунё ҳамжамияти томонидан уюштирилаётган босим ва Афғонистонда янги ҳукуматнинг ўрнатилиши боис, мамлакатда гиёҳванд ўсимликларни экиш, опиум, героин моддаларини тайёрлашни таъқиқловчи қонун қабул қилинди. Айнан гиёҳванд моддаларни сотишдан келаётган даромад толибларнинг ва «Ал-Қаида» гуруҳининг асосий даромад манбаи ҳисобланарди.

## АҚШ ҲАРБИЙЛАРИ ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

АҚШ ҳарбий ҳаво кучларига қарашли икки самолёт ҳалокатга учраган. Фожиа Аризона штатининг жануби-шарқий ҳудудида содир бўлган. Самолётлар АҚШ ва Мексика чегара ҳудудларида ўқув машқларини бажаришаётган эди. Учувчилардан бири ҳалок бўлган, иккинчиси оғир жароҳат билан шифохонага ётқизилган. Бундан сал олдин ҳам АҚШ ҳарбий ҳаво кучларида шундай воқеа содир бўлган эди. Унда учувчилар қутулиб қолишга муваффақ бўлишганди.

## ҚИРОЛИЧА ЎЗ ВАГОНЛАРИДАН ВОЗ КЕЧДИ

Буюк Британия қироличаси Елизавета II махсус қиролича учун жиҳозланган темир йўл поездидан фойдаланишдан воз кечганини айтган. 1997 йилда ушбу махсус поезд вагонлари 14 тадан 9 тагача камайтирилган, шунингдек, вагонларни ушлаш учун кетадиган харажатлар ҳам олдинги 1,9 миллиондан 600 минг фунтга туширилган эди. Бу махсус вагонлар тизими сўнгги марта тўлақонли равишда бу йил ёзда — қиролича тахтга ўтирганлигининг 50 йиллиги муносабати билан уюштириладиган тантанада ишга туширилиши кутилмоқда.

## ПРЕЗИДЕНТЛАР УЧРАШИШДИ

АҚШ Президенти Жорж Буш НАТО аъзолигига қабул қилинаётган янги давлатларнинг ҳаммасига бирдай назар билан ёндошиш лозимлигини таъкидлаган. Бу маълумотни журналистларга Литва Президенти Валдас Адамкус Жорж Буш билан бўлган учрашувидан сўнг айтган. Адамкуснинг сўзларича, АҚШ Президенти НАТОнинг кенгайишига хайрихоҳ эканлигини билдирган. Бироқ Литванинг ҳарбий иттифоққа қачон аъзо бўлиши ҳақида эса Адамкус Бушдан аниқ бир кафолат олмаган.

## ХАВФСИЗЛИК ХИЗМАТИ ЎҚҚА ТУТИЛДИ

Исроил ҳарбий ҳаво кучлари Фаластин хавфсизлик хизматининг Тулкарм шаҳридаги биносини ўққа тутган. Ҳозирча қурбонлар ҳақида аниқ маълумот йўқ. Исроил расмийлари ҳамон Ёсир Арофатни Рамоллоҳ шаҳрида қамалда ушлаб турушибди. Хабар бериб ўтилганидек, Фаластин полицияси Исроил вазирига уюштирилган суиқасд ташкилотчилигида тахмин қилинган Фаластин озодлиги халқ ҳаракати етакчиси Аҳмад Саодатни қўлга олган. Аммо бунга суиқасд иштирокчиларини ҳибсга олишни талаб қилаётган исроилликлар Тулкармдаги бинони ўққа тутиш билан жавоб беришди.



Франция кўчаларида

